

"ТАСДИҚЛАНГАН"
"Ўзбектелеком" акциядорлик
компанияси кузатув кенгаши

Кузатув кенгаши раиси

Ш.Шерматов

"29"

2023 й.

М.Ў.

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

Ўзбекистон Республикаси
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий Ҳаётни Янгилаш
Агентлигининг директори
Сиротчи Биринбоёри

"23"

2023 й. № Р0434-12

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
"О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ" акциядорлик компания

Берилган идентификация рақами:

R U 1 1 2 P 0 4 3 4 T 7

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўм бўлган 5 542 046 (беш миллион беш юз қирқ икки минг қирқ олти) дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар очик обуна усулида жойлаштирилади

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн иккинчи чиқарилиши ҳисобланади

"Ўзбектелеком" АК кузатув кенгашининг 2023 йил 29 сентябрдаги 396 -сон мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

"Ўзбектелеком" АК кузатув кенгашининг 2023 йил 29 сентябрдаги 396-сон мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

юрлик манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Тимур кўч., 97 А.

почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Ташкент ш., Алишер Навоий кўч., 28 А. info@uztelecom.uz, Тел.: 71 239 23 07, факс 71 236 01 88.

Бошқарув раиси: У. Хасанов Хасанов Назиржон Набижанович

Бош бухгалтер: О. Маъмуржонов Маъмуржонов Олимжон Маъмуржон ўгли

Мухр "29" 09 2023 й.

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: "Portfolio Investments" масъулияти чекланган жамияти

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси 2023 йил 10 февралдаги 1/2023-сон шартнома

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбари Якубов Мунир Муродович

"29" 09 2023 й.

- | | |
|--|--------------------------|
| 1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): | оддий |
| 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: | хужжатсиз |
| 3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): | 1 154 сўм |
| 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона), шундан: | 5 542 046 дона |
| 1) Хужжатсиз оддий эгасининг номи ёзилган акциялар | 5 542 046 дона |
| 2) Хужжатсиз имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялар | кўзда тутилмаган |
| 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): | 6 395 521 084 сўм |
| 6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
Компания акциядорлари реестрига киритилиши;
депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
Компания тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улushга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
Компания бошқарувида иштирок этиш;
Компаниянинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Компания уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга. | |
| 7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжу эмас. | |
| 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 319 776 034 582 сўм | |
| 9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):
Хужжатсиз оддий эгасининг номи ёзилган акциялар 267 237 797 дона.
Хужжатсиз имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялар 9 864 486 дона. | |
| 10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2008 йил 26 августдаги №15-07/183-сонли қарорига асосан 20 000 дона хужжатсиз фоизли эгасининг номи ёзилган облигациялар муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган (2005-йил 30 июндаги № РО777). | |
| 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби. | |
| 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар очиқ обуна усулида жойлаштирилади. | |
| 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади. | |

- Жойлаштиришни бошланиш санаси – ушбу акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун.

- Жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 365 кундан ортиқ бўлмаган муддатда.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг имтиёзли ҳуқуқдан қолган қисми очик обуна усулида уюшган бозорда яъни “Тошкент” республика фонд биржасида қимматли қоғозлар савдоси қоидаларида белгиланган тартибда фонд биржаси орқали чекланмаган потенциал инвесторлар орасида жойлаштирилади.

Эмитентнинг андеррайтери: “Portfolio Investments” масъулияти чекланган жамияти (“Portfolio Investments” МЧЖ), 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй, +998(71) 267-75-75, e-mail: info@piamg.uz, веб-сайт: www.piamg.uz.

Тошкент профессионал фаолият юритиши учун берилган лицензия рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун 2018-йил 23 январьдаги Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан чекланмаган муддатга берилган 1298-сон лицензия.

Эмитент ва андеррайтер ўртасида тузилган шартнома санаси ва рақами: 2023-йил 10 февральдаги 1/2023-сон шартнома.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамияти:

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107, 3-қават, телефон: 71 267-37-42, факс: 71 267-36-42, расмий веб-сайт: www.deponet.uz электрон манзили: info@deponet.uz

“Portfolio Investments” масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй; почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй; телефон: +998(71) 267-75-75, e-mail: info@piamg.uz, веб-сайт: www.piamg.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Жамият томонидан акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги, яъни 2023 йил 29 сентябрь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Жамият акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархида, яъни 6 000-10 000 сўм

оралиғида олишни таклиф этиши шарт. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган санадан эътиборан 10 (ўн) кунни ташкил этади, агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш баҳоси, шу жумладан жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуққа эга шахслар учун акциялар баҳоси 6 000-10 000 сўм оралиғида белгиланади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Пулдан ўзга воситалар билан ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган.

Имтиёзли ҳуқуқда уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозори орқали сотиладиган акцияларни тўлаш “Алоқабанк” АК 20210000904074838001 ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

“Тошкент” республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари мазкур Биржанинг савдо қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кун ичида ушбу чиқарилишдаги акциялар умуман (бир донаси ҳам) жойлаштирилмаган тақдирда мазкур чиқарилишдаги акциялар амалга олмаган деб топилади, ва улар муомаладан олиниши лозим ва амалга олмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддатда акциялар тўлови сифатида олинган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:

Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz);

Тошкент республика фонд биржаси расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида (www.uztelecom.uz).

Мазкур акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл-нусхаси билан Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси 28А уй манзилида жойлашган Компания офисида ҳамда нусхаси билан жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uztelecom.uz) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.